ЗОҲИДА УМАРОВА

МАРВАРИД МУНЧОҒИМ

шеърлар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(5У)6-5 Бадиий әдәбиет — шеърләр

Зоҳида Умарова — қўшработлик. Кўнглида Эргаш Жуманбулбул қўшиқлари бор. Шу боис шеърлари тиниқ, ўқисангиз юрагингизга ҳузур бағишлайди.

Шеър юракдан бошланади дейишади, жилғаланади, дарёларга бориб етади. Ўйлаймизки, ушбу тўплам дарёларга етиб боради, тўлқини қалбларга урилиб туради.

1031924
Од1

ISBN 5-633-01792-7
© Зоҳида Умарова. «Марварид мунчоғим».
«Янги аср авлоди», 2005 йил.

20 06 A 1942 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

КЎРИНГ

Сизни маҳв этганда
раддибалолар,
Ғамларда чўккалаб
юрганим кўринг,
Руҳимнинг лабида
қонаб яралар,
Жонимни тутамлаб
Турганим кўринг.
Кўринг, кўрмасангиз
Худо кўради.

Чигитдек жонима,
Чилвир жонима.
Чучмома чиройли,
Жоним чиройли.
Ташна қилса ҳамки
гоҳи қонима,
Тириклик аталган
Оним чиройли!
Ойли осмонларим
Сиз билан ойли!

ЙИҒЛАМАДИМ

Йиғламадим, кипригим қоқиб,
Лабларимни тишладим холос.
Ўпкамни бир тўлдириб олиб,
Сўнг оҳиста чиқардим нафас.
Йиғламадим, титроқ юракка,
Сукут солдим икки дақиқа.
Қалқиёттан қалбимни дарҳол,
Тутиб олдим сўнг шу тариқа.
Тебратмайман забонни бу гал,
Қалбингизга сепмайман тузни.
Тушунмайсиз бахт ва бахтсизлик
Ўртасида қолган бир қизни.

ОХИРГИ ҚЎНҒИРОҚ

Титилиб кетгандай
парқу булутлар,
Кўнглимнинг кўшкидан
Кет энди, жоним.
Беғараз ҳисларга
дояким мактаб,
Парталарга чўккан
буюк армоним.

Охирги қўнғироқ —
қалбимда титроқ,
Тирқираб кетгандай
бир уюм қушлар.
«Сени севаман!» деб
севмади, бироқ...
Ҳамон юрагимда
учар оқ қушлар!..

ЯХЛАГАН КЎНГЛИМДА КЎЗ ОЧ, БОЙЧЕЧАК

Яхлаган кўнглимда
Кўз оч, бойчечак,
Энг латиф куйларни
Ўзингдан олай.
Разил лаҳзаларни
Туҳфа этган тун,
Ғамнинг ўтовида
Қолдим ҳар қалай.

Йиғламай ютаман
Кўзим ёшини.
Сабрга сиғиниб
Роҳибалардай.
Биламан, келади
Эгиб бошини.
Кутмаганмидинг деб
Зоҳидалардай.

ОНАМНИ ОЛДИРИБ ҚЎЙДИМ, ЛОЛАЖОН

Баҳорга еттан кўп, етмаган қанча,
Ялпизни ўпган кўп, ўпмаган қанча.
Борми бу дунёда йиғлаган менча,
Онамни олдириб қўйдим, лолажон.

Жилғадай жилдирар, боботоғ, қоринг,
Бунчалар юракка яқин рафторинг,
Йиғлаб кўзларимга сурай рухсоринг,
Онамни олдириб қўйдим, лолажон.

Қалдирғоч, чирқираб кимни изладинг?
Кулча юз синглимни бунча қийнадинг?
Кўзидан отамнинг ҳолин билмадинг,
Онамни олдириб қўйдим, лолажон.

Кўкингни бер, баҳор, дилга соламан,
Ям-яшил майсангни кийиб оламан,
Алвон юзларингдан ўпиб қоламан,
Онамни олдириб қўйдим, лолажон,
Юракни толдириб қўйдим, лолажон!

КЕТДИМ

Кетдим, кўзларимдан
томчилаб ёмғир,
Йўллар елкасини
Тутиб жим қолди.
Кўзлари жовдираб
Севгимнинг, сағир,
Ноласи юракни
Титроққа солди.

Орзулар тул қолган,
Ишқнинг беваси,
Юрак изтиробга
Тутинган Ватан.
Ғамнинг тегирмони
Сабримни соғиб,
Вақт менинг дардимга
бичади кафан.

КЎНГЛИНГДА ЎЗГА ҚИЗ

Жонимда ўрмалаб
боради озор,
Андуҳлар кўнглимни
ётибди эмиб.
Зарурат зўрласа,
бек ҳам бўлар хор.
Исмингни кўнглимга
кетасан кўмиб.

Мулкингта ҳавас қиб
Қолганлар ютар,
Йиллаб ҳам кутади
Тўшашчун жонин
Билса ҳам мабодо
билмасдай юрар,
Кўнглингда ўзга қиз
Яшаётганин.

ОСМОН, ОЛИБ КЕТМА ОНАМНИ

Қисмат зумда қанотин қоқиб,
Бир лаҳзада бўлсангиз ғойиб,
Хаёлларим кетмабди ориб.

Кўндиролмай қолдим боламни,
Осмон, олиб кетма онамни.

Титратади фалакни зорим,
Воҳ, нуратма азиз қўрғоним
Пайғамбарим, Парвардигорим,

Тўлғонтирма найдай ноламни,
Осмон, олиб кетма онамни.

Кўзларидан сизиб жоласи,
Сездирмасдан юрак ноласин,
Тўкилади, тўлса боласи.

Елкасини қисиб отамни,
Осмон, олиб кетма онамни.

Яримта дил, яримта кўнгил,
Кўз ёшлари шиғил ва шиғил,
Ўхшайдими шунчалар сингил.

Онамдай кўрсатиб холамни,
Осмон, олиб кетма онамни.

СИЗ КЕТИНГ

Сиз кетинг шовуллаб
Кетгандай дарё,
Соҳилда сарғайсин
Нилуфар жоним,
Йиғласа, йиғлабди
Кўзлари тийро,
Тўкилиб кетмасин
Дили райҳоним.

Мен кетай, кетгандай
Тандан ҳушингиз.
Сап-сариқ олчалар
Тутсин армоним.
Қаландар бўлади
«Чоли қушингиз».
Сиз эса шоҳ бўлиб
Кетинг, Қамроним.
Сиз кетинг, мен қолай.

* * *

Руҳимга райҳонлар
тақиб кел, баҳор.
Бахтнинг сийнасига
бошимни қўяй.
Кўнглимнинг кўшкини
қўпорган озор.
Қизғалдоқ кўкарган
Қабристон қилай.
Руҳимни чўмилтир
Латиф бойчечак,
Нурдай жилолансин
бўйингни ичиб.
Истасанг тиконга
қўнгил капалак
Мен каби кўнгилга
қолма кечикиб.
Руҳимга райҳонлар
тақиб кел, баҳор!

БИЛМАЙМАН

Қон бўлган юракни
Ҳовучлаб ҳар тун,
Эмаклаб чиқаман
Тонгнинг кўзига,
Шикаста куйларим
Топгандай якун,
Ёруғлик босади
Мени юзига.

Йиғлайман нега шеър
Ёзаман она,
Шунча йил югуриб
Етган хилқатим.
Машрабдай бир куни
қилар девона.
Етаклаб кетмоқда
Мени қисматим.

Билмайман, нега шеър
ёзаман, она.

* * *

Мезон шамоллари эсдими, она,
Олтиндай товланиб, яшил япроқлар.
Қишлоққа жимжитлик чўкдими яна,
Турдими соғинчдан дилда титроқлар?
Тунлар тушларимга сизни солади,
Оппоқ сочингизни ўраман йиғлаб.
Укам соғинганда жимиб қолади,
Отам йўл тикилар кўксини тирлаб.
Қалбимнинг чокини сўкади хумор,
Бўлмайди кўнгилнинг бўзин тўкмасам.
Кут, мени қишлоғим, шу субҳи наҳор,
Тошкентга сиғмайман, йўлга чиқмасам.

СЕНИ ЎЙЛАБ

Дил топибман, йўқотибман тил,
Унутибман дунёни буткул.
Сув ичсада кўнгилдан кўнгил,
Гумонларга қурбон бўлибман.

Ғамнинг ҳиди уфурган туни,
Умидларим чувалган куни,
Кўзларимга ғарқ қилиб сени,
Қирғоғидан излаб юрибман.

Қисмат келса қисиб, силкитиб,
Оёғимдан чалиб йиқитиб.
Ғамларимни ортга итқитиб,
Сени ўйлаб мағрур турибман.

Ишқнинг оғир, йўллари оғир,
Эҳсони гоҳ меҳр, гоҳ қаҳр.
Нима бўлса бўлсин барибир,
Ишқингда мен масрур юрибман.

АГАР ЖОНИМ

Агар жоним чиқар бўлса,
Чиққунча бир келиб кетсин.
Оқиб кетмай кўзларимнинг
Гавҳарлари билиб етсин,
Келсун оёғига қалқиб,
Халқумига келсун жони.
Кўзларимда исми сузиб,
Юрганини кўрган они
Дод демасун ўзин ташлаб,
Тупроқ аро турганимда.
Билмас эрди севганимни
Агар тирик юрганимда...

СИЗ БИЛМАЙСИЗ

Асранди қизлардай
ғамнинг қўлида,
Кўзлари сарғайиб
мустар бўлганим.
Юзлари шилиниб
ҳақнинг йўлида,
Ҳасрат тошларидан
ўлмай қолганим,
Сиз билмайсиз.

Оппоқ қанотларим
Куйдириб олиб,
Ҳилолнинг юзидай
доғ ўлганимни,
Яхлаган заминнинг
лабларин ёриб,
Бойчечак отлиғ бир
гул бўлганимни,
Сиз билмайсиз.

* * *

Бағрингдан бош олиб кетган кун,
Болалигим қолиб кетган кун.
Ортимдан қўл силкитган дилхун
Онаммидинг, онажон қишлоқ?

Гоҳ суйиб, гоҳ суймади тақдир,
Гоҳ қийиб, гоҳ қийнади тақдир,
Қияверган менга барибир,
Отаммидинг, отажон қишлоқ?

Соғинганда сабрини ичган,
Дийдоримга гоҳо ичиккан.
Хуморимнинг соҳилин кечган,
Укаммидинг, қадрдон қишлоқ,
Садоқати топмаган тўзим.
Қаратмаган ерларга юзим,
Ўв, менинг ўқ, томир илдизим,
Қон жигарим, жигар-қон, қишлоқ.

* * *

Тунлардан тиладим
Нигоҳларингни.
Лабларим куйдирди
Дилнинг ўтинчи.
Ҳижроннинг оғзида
Юрар ўрмалаб
Қип-қизил юракнинг
Оппоқ илинжи.
Тўлишган ой сузар
Сутга чайгандай,
Яримта дилимни
Ғам борар ялаб.
Бахтнинг этагига
урилиб ҳилол,
тошдай тўшагимга
кетар думалаб.
Бармоғинг
сочимни келса оралаб...

КЕЧДИМ

Кечдим кечиб бўлмас
Кечмишларимдан,
Оҳ десам, оҳимда
гуллади олча.
Айрилиб қолган бор
бор бисотидан.
«Кўнглини берган йўқ
йўқдиров менча».
Бу хазон фаслимнинг
висоли аччиқ.
Бир тахир тунларим
туғиб беради.
Туннинг хобгоҳида
ухлаган аждар
Ишқимни кўзида
асраб юради.
Урса, кўзларимнинг
ёши уради.

ЖУМАНБУЛБУЛ ТАНБУРИНИ МЕНГА БЕРИНГ

Оқ тов билан қора товда
Нега булбул сайрамайди?
Жуманбулбул қўлларидан
Тушган танбур йиғламайди.
Ноласидан фиғон томиб,
Дилни ўртаб эсламайди,
Жуманбулбул танбурини менга беринг,
Қўшарабод кўшкинг қани,
Қўрғонингга бўйлай ўзим,
Оқ тов билан қора товда
бўзтўрғайдай бўзлай ўзим.
Ўзим анда бўлсам ҳамки,
Қўрғонингда қолган кўзим.
Жуманбулбул танбурини менга беринг.
Жуманбулбул ўлан айтса,
Эл эзилиб, селдай оққан.
Ўланининг қанотида
Эзгуликлар эшик қоққан.
Ҳам меҳрни, муҳаббатни
Кўнгилларга ўтдай ёққан,
Жуманбулбул танбурини менга беринг.
Қани ўша юракларни
Сел қилувчи оҳанг қайда,
Бир ҳамлада ўлжасини
Забт этувчи наҳанг қайда,
Ўтовларда ўлан тинглаб
Турадиган онанг қайда,
Жуманбулбул танбурини менга беринг.
Йиғлаб-йиғлаб кўзга сурай,
Юзларингдан ўпай танбур.
Жонимнинг ҳар толасини
Ҳар толангга ёпай танбур.
Жуманбулбул ёдинию,
Додин сендан топай танбур,
Жуманбулбул танбурини менга беринг.
Қўшарабод кўшкинг қани
Қўрғонингга бўйлай ўзим,
Жуманбулбул чертиб кеттан
Танбурни ол, куйлай ўзим.

МЕНДАН КЕТ

Мендан кет, дарахтлар
Яшин урганда,
Куллари соврилиб
кеттан каби кет.
Чақмоқлар гулдираб
Кўкда юрганда,
Ночор булутлардай
бир тўкилиб ўт.
Кўнглимга куз кафан,
куз ўзи лаҳад.
Ишққа оч кўзимга
Тўлдиргин хазон,
Юрак кулбасида
Туғилган нафрат,
Бевисол ишқимга
Тўланган товон.

ВАТАН

Ватан — бу ҳидидан
димоғ яйраган,
Тандирдан узилган
ноннинг ўзидир.
Салқин саҳарларда
чунон сайраган,
Булбулнинг нағмаси,
мунчоқ кўзидир.
Ватан — бу онамнинг
оппоқ рўмоли,
Толларга беланчак
бўлган даламдир.
Юзлари-юзига
қуйиб қўйгандай
Онамнинг ислари
қолган холамдир.

МЕН СИЗНИ

Мен сизни жонимнинг
устига қўйдим,
Бошингиздан ичдим
сувлар ўгириб.
Ногаҳон ўртади
қалбим, вужудим.
Ҳижроннинг урчуғи
сочим йигириб.
Тушовлаб илинжим
оёқларини,
фироқнинг илони
келар ўрмалаб.
Ўчириб умидим
чироқларини,
Қорачиқларимга
боса бошлар лаб.
Қиёмат қиламан
фироқингизга,
Жонимни сўймасин
Ҳижрон ханжари.
Айтиб қўяверинг
юрагингизга,
Уйғониб кетмасдан
рашким аждари,
Мен сизни жонимнинг
устина қўйдим.

СЕНИ СЎРАЙВЕРДИ

Аламни сипқордим
тўнни ёпиниб,
ҳасрат ўчоғида
қоврилди жоним.
Кўзим кўлмагига
чайиб суратинг,
Сени сўрайверди
руҳи-равоним.
Беш кунлик дунёда
Юрган меҳмоним.

ОНАЖОНИМГА

Қайтмағайсиз, қайтганда қуёш,
Келмағайсиз, қорайганда қош,
Юзларимни чайганда кўз ёш,
Сиғмаяпман ерга, онажон.
Мени зеру забарга ўраб,
Ўзингизга кўрмабсиз сўраб,
Девонадай турибман тилаб,
Еру кўкдан сизни, онажон.
Дунё эмас, бу дарё экан,
Кимни эрта, кимни кеч ютган,
Иймонидан менга дур тутган,
Гавҳаримсиз, жоним онажон.
Қайтмағайсиз, қайтганда қуёш,
Келмағайсиз, қорайганда қош,
Юзларимни чайганда кўз ёш,
Сиғмаяпман ерга, онажон.

ЧАВАНДОЗЛАР ЎТСА ОЛАМДАН

Исмат полвон хотирасига

Момом урчуқ йигирган супа.
Қалдирғочлар уй қурган айвон.
Қани бугун Исмат чавандоз,
Кураги ер кўрмаган полвон?
Тулпорининг туёқларидан
Ўт сачраган, олов ялаган.
Кўпкарига кирса қуюндай,
Курагини пирлар силаган.
Юраклари отнинг бошидай,
Елкалари офтобни ёпган.
Исмат полвон кирган даврада,
Фаришталар қамчисин ўпган.
Нураб кетса пахса деворлар,
Кўнгил қалқир кўз тушса ногоҳ.
Чавандозлар ўтса оламдан,
Отлари ҳам йиғларкан узоқ.
Қани бугун Исмат чавандоз.

20 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK № 1342

ЁРИБ ЧИҚАДИРМАН ЮРАКНИ БИР КУН

Ёриб чиқадирман
Юракни бир кун,
Латиф лаҳзаларим
Тўради мени.
Қуйилиб кетаман
Жимирлаб нурдай,
Кўзингиз илғамай
қолади уни.

Ёриб чиқадирман
юракни бир кун,
Қабарган қабоғим
япроқдай бўлиб.
Юрак титроғингиз
топмайди якун.
Кўнглингиз кўзинда
юради сузиб.

* * *

Жонимни ёқади
Минг йиллик алам,
Қасос қиёматга
қолиб кетмайди.
Банда бандасини
қилганда бадном.
Тангри даргоҳига
оҳи етмайди.

Кўзига қилқиллаб
келади Оллоҳ,
Лаҳзалар оташдай
ёна бошлайди.
Душманинг бўлса ҳам
ташлама қармоқ,
Худога солиб қўй,
бир кун ушлайди.

СИЗНИ ЭСЛАБ

Тоғам Давлат Тангиров хотирасига

Сизни эслаб, эсим оғганда,
Жудоликдан гангиб қолганда,
Оҳ, деган бир чўғ, ўт олганда,
Бунда сонсиз қабрлар аро
Сизни излаб кетурман танҳо.

Қабрлар кўп, бирлари чўккан,
Бири осмон, бирлари пайҳон.
Бирида гул, бирида тикон,
Менинг эса қалбимда яро,
Овоз беринг қабрлар аро.

Ўпай десам изингиз излаб,
Дардим кетар дарёдай сизлаб,
Соҳилида турибман бўзлаб,
Тупроқ билан беркилган ора,
Йиғламоқдан йўқ ўзга чора.

Ойим кетди, Давлатим кетди,
Самодайин савлатим кетди.
Ким унутмади, ким унутди,
Хўрликларим умримни ялаб,
Юрагимни кемирар, ё раб.

БАҲОР, МЕНГА МУНҒАЙИБ КЕЛДИНГ

Жилғаларин кўзда жилдириб,
Майсалари бағримни тилиб,
Кўкларини устимга илиб,
Баҳор, менга мунғайиб келдинг.

Бир зарб билан қон бўлди дилим,
«Қоқигулдай тўзғиди кўнглим»,
Энди нима қиламиз, синглим?
Баҳор, нега мунғайиб келдинг?

Онам бор-кан шохдай юрибмиз,
Ҳеч нурамас тоғдай кўрибмиз.
Мажнунтолга ўхшаб турибмиз,
Баҳор, нега мунғайиб келдинг?

Чайиб олдим юзимни ғамга,
Қандай сиғай сиз йўқ оламга,
Осмон торлик қилди ноламга,
Баҳор, менга мунғайиб келдинг,
Баҳор, нега мунғайиб келдинг.

ҚИШЛОҚДОШЛАРИМГА

Қорачиқларимда
қотиб қолган мунг,
Юрак пардасини
Тирнаган азоб.
Қишлоқнинг «бир куни
ниҳоятда жўн,
Менинг юрагимда
эса мураккаб».
Тирноқлаб чекилган
машаққатингиз
Битта бармоғингиз
Ёриғи айтар.
Жавзонинг кўзида
Оққан терингиз,
Менинг юрагимда
фарёд уйғотар.

МЕН МИНГ ЙИЛ ЯШАДИМ

Мен минг йил яшадим
Юрагим қонаб,
Чақир тиканаклар
Тилди жонимни,
Ҳақнинг товонини
Ялиндим ялаб,
Тўкилдим, майсалар
Ичди қонимни.
Мен минг йил яшадим
Девона бўлиб,
Сарғайган сабримнинг
Қақради лаби.
Қилдай шу кўнглимнинг
Кенгликларида
Бир адашиб қолган
Тиланчи каби.
Мен минг йил яшадим
Афсона бўлдим.
Билган бош чайқади,
Билмаган кулди.
Самандар ватанда
Қаландар ўлдим.
Шу яғир елкамга
Ҳилол йиқилди.
Мен бир кун яшадим,
Мастона бўлдим.

* * *

Адашиб кетаман
туманларингда,
Йиғлайман, оёғим
Тошлар қирқади.
Мени тентиратган
Томонларингда,
Қалбим озорингдан
заҳлар тортади.

Сабрим-юракдаги
Саксовулларим,
Шохларин буталаб
йиллар учади.
Нигоҳинг четида
Юрган аллаким,
Тоқай сабрин сариқ
Сувин ичади?..

* * *

Ай дили нозигим,
Нафис дудоғим.
Латофат томчилаб
Турган қароғим.
Йўқолса, топилмас
Кўзи мунчоғим.
Сени ҳеч нарсага
алмаштирмайман.
Латиф лаҳзаларга
ошно этган соч,
Самоларга элтиб
қуйгувчи қувонч,
Очсанг, менга бахтнинг
сўқмоғини оч.
Адашсам, сочингда
адашадирман,
Ҳилолим ҳолимга
этгил наззора.
Кўзларда ёшимни
қилиб фаввора,
Сени деб юрибман
даҳри дун аро,
Кўзинг қароғида жон
талашадирман.
Адашсам, сочингда,
адашадирман.

ОНАМГА

Йиқилсам, суяган
Онам бўлдилар,
Қувонсам, чахчахи
Олам бўлдилар.
Бугун кўзларига
Тупроқ тўлдилар,
Тупроққа айтайми нолаларимни.
Бағримни тўлдириб
болам турганда,
Қалбимни шеър ёқиб
Нолам турганда,
Не бўлар муштипар
Онам юрганда,
Онам деб атайми холаларимни.
Тушларимдан излаб
Тополмаяпман,
Жудолик бағрида
Яшолмаяпман.
Қабрингиз гул билан
ёполмаяпман,
Кўкларга сочайми жолаларимни!?

НАЙНИНГ НОЛАСИ

Эшилади найнинг ноласи,
Томчилайди кўзнинг жоласи,
Чидолмайди инсон боласи,
Бас қил, энди чолғуларингни.
Тешиб кетди кўксимни ўртаб,
Нолаларин юракка қадаб,
Кетаяпти жоним қалтираб,
Таранг қилма туйғуларингни.
Муножотми селдай оққан бу,
Юрагимни ўтда ёққан шу,
Мен чайқалиб тамом бўлдим-ку,
чертма энди қайғуларимни.

МЕЗОН КАБИ УЧАДИ ОҲЛАР

Уҳ тортади боғлар хўрсиниб,
Дийдирайди яланғоч шохлар.
Қароғларим кетади тиниб,
Мезон каби учади оҳлар.

Сочилади садафдай илинж,
Қайғуларнинг ёрийди кўзи.
Юзларимга сермайди қилич,
Хиёнатнинг шаллақи қизи.

Минг бир кеча топади якун,
Бахтсизлиги кулади бахтнинг.
Тегиб кетар руҳимга салқин,
Эртаги бир бебурд йигитнинг.

САМАРҚАНДНИНГ ЖИН КЎЧАЛАРИ

Минорлари кўкка тегади,
Зиёратга бошинг эгади.
Эртакларга бошлаб кетади,
Самарқанднинг жин кўчалари.

Афти айтар, ангори айтар,
Оддийликдан ўтмайди қайтар.
Оёғингга бош қўйиб ётар
Самарқанднинг жин кўчалари.

Тўкилади кўнглим олчадай,
Авлиёлар яшаб ўтган жой.
Тупроғингни, кел, чайиб ичай,
Самарқанднинг жин кўчалари.

СОҒИНЧ

Тунлар тортганида
қаро пардасин,
Соғинч лашкарини
ёллайверади.
Сукунат имлайди
ғамнинг шарпасин,
Ҳижрон юрагимга
Қулайверади.
Нигоҳим осилиб
остоналарга,
Тешилиб кетади,
Тешилар руҳим.
Мени ағдаради,
буткул ерларга,
Олисдан бепарво —
юрган аллаким.

* * *

Осмонсиз, уммонсиз
учиб кетаман.
Чўкиб кетадирман
Сизни ўйласам.
Ҳузурли, узрли
бир ширин, тотли
Менга бераётган
азобингиз ҳам.
Олиб отолмайман,
қолдингиз жонда,
Нурдай жимирлайсиз
лоларанг қонда.
Нега индамайсиз
энди кўрганда?
Кўзлари нигорон
булбули забон.

* * *

Ой, қалбимда қалқиб оқ,
Юрагимда балқиб оқ,
Етдим деган жойимда,
Чайнаб ташлади фироқ.

Айланиб ўт ёнимдан,
Думалаб кет қонимдан,
Нима қилсанг, қил мени,
Айирдилар жонимдан.

Сочларимни оралаб,
Яноғимни кел, ялаб.
Кутаман бугун, тунда
Деразамдан мўралаб.

Кел, келмасанг бўлмайди,
Ярим кўнглим тўлмайди.
Кумушни зор йиғлатган
Зайнаб бахтли бўлмайди...

МАРВАРИД МУНЧОҒИМ

Кузги хазонлардан
Териб ол мени,
Мезон шамоллари
кетмай учириб,
Ҳолсиз юрагимнинг
қочади қони,
Сочларингга қўйгил
Энди яшириб.
Сочларимда йиғлар
Сарғайган армон,
Марварид мунчоғим
ўғирлади куз.
Кўнмоқдан бошқа ҳеч
қолмади имкон.
Сени илиб кетди,
Сен севмаган қиз.

МЕНИ ТУШУН

Тирикликнинг сўқмоқларида,
Дош беролмай қийноқларида,
Оқсам кўзим ирмоқларида,
Мени тушун.

Самолардан юпанч изласам,
Идрокимни этолмасдан жам,
Тўлқинларда эшкаксиз қолсам,
Фақат тушун...

* * *

Латиф кучорида
Эркалайди тун.
Ой сузар сочимнинг
оралрида.
Билмадим, шумикин
бахт деган очун?
Тонг отар руҳимнинг
далаларида —
Сен мени қидириб
Йўлга чиққан Кун!

КЕЛ, КЎНГЛИМ

Юр, кўнглим, осмонга
Учиб кетамиз,
Шу кеча баридан
Кечиб кетамиз,
Ойнинг нурларини
Ичиб кетамиз.
Ерларга сиғмаса ишқимиз агар,
Ай, кўнглим кўшкини
Қўпорган озор,
Қизғалдоқ кўкартай,
Айлай лолазор,
Ҳурлар этсин унга
Энди жон нисор.
Ишқимиз Илоҳга илашиб кетсин,
Чечакдай шивирлаб,
Шамолдай яйраб.
Чиқайлик юлдуздай
Тунлар жимирлаб,
Бахт бизни қидирсин
Ўзини қарғаб,
Ишқимиз кўклардан ёмғирдай ёғсин.

ҚЎЯСИЗМИ Ё ҚЎЙМАЙСИЗМИ

Қалқидингиз кўзда ёш бўлиб,
Куйдирдингиз бир оташ бўлиб.
Эл ичра кўп афсона қилиб
Қўясизми ё қўймайсизми?

Кўзмунчоқдек кўзингиз қаро,
Ҳар балога этар мубтало.
Жоним қолди бўлмаган айро,
Қўясизми ё қўймайсизми?

Нилуфардай гул рухсорингиз,
Бунча латиф, воҳ, рафторингиз.
Ўлдиради мени нозингиз,
Қўясизми ё қўймайсизми?

КЕЛ, ЎТ ҚЎЙ

Кел, ўт қўй қайғумнинг
чодирларига,
Ҳасратнинг уйлари
Ёнсин чорсиллаб.
Кўнган бор, кўнмаган
тақдирларига,
Пинҳона бутадай
Юрган бор бўзлаб.
Келсанг-чи, бор бўлсанг,
даҳри дунёда,
Оҳимда олчалар
гуллади оппоқ.
Мени ташлаб кетиб
йўлга, пиёда
Учсанг ҳам етмайсан
Муродга мутлоқ.
Келсанг-чи, бор бўлсанг
ёруғ дунёда.
(Бировни йиғлатиб
бахтга етган йўқ).

* * *

Кирганимда кўпнинг ичига
Камлигимни билдирманг, ота.
Чидаб берай тўқу очига,
Хўрлигимни келтирманг, ота.

Тушларимда кўриб онамни,
Йиғлаб чиқсам дийдираб қақшаб.
Кўзларимга кенглаб оламни,
Бошим силанг онамга ўхшаб.

Ўрни ўйиб, бағримни юлиб,
Доя ўлса фарёдларимга.
Ота мисли қуюндай бўлиб,
Кириб келинг қанотларимга.

Юрагимнинг ярми юлинди,
Ярми энди ўзингиз, ота.
Менинг бағрим аччиқ шилинди,
Малҳам — ширин сўзингиз, ота!..

КАПАЛАКМАН

З.Мирзони ўқиб

Мен кўзлари гуноҳда куйган,
Қанотлари турган пирпираб.
Капалакман хатарга қўйган
Ҳаётини оловга тираб.
Нега садо чиқмайди сендан?
Минг йилларки гунгдир забонинг.
Нега бутун эмас, яримман,
Қийнаётган қайси армонинг?
Қўлларингда майсадай униб,
Юрагингга етса илдизим.
Нафасингдан ҳар заррам синиб,
Нурдай сингиб кетсайдим ўзим.
Оқиб кетар кўнглимда хўрлик,
Вужудимни куйдирар оҳим.
Қиёматда кутади сени —
«Менинг ишқим — буюк гуноҳим».

ОСМОНЛАРДАН ОНАМ КЕЛАДИ

Сочларимни силаса андуҳ,
Қанотимга кирмаса ҳеч ким,
Синиб кетса бу бемажол руҳ,
Изтиробда ўртанса кўнглим.

Юзим ялаб шамол елади,
Осмонлардан онам келади!

Сабрим қўлин сўраса сароб,
Сукут шаштим қуйсалар ичиб.
Кетганида вужудим нураб,
Неларгадир маҳтал ичикиб...

Турганимда бўрон туради,
Осмонлардан онам келади!

ҲИЖРОН

Сендан сас чиқмади, мендан-чи садо,
Совуқ сукунатни лабларга босдик.
Узилган риштани улар, деб Худо,
Дилни умид деган дорларга осдик.

Маҳзун хотиралар юракни эзди,
Тилни қимирлатмай қўйганди алам.
Руҳимиз ҳижроннинг юртини кезди,
Фақат дил дардига топмадик малҳам.

Оҳимда олчалар гуллади оппоқ,
Титрайди шохида ярим жон илинж.
Бу тунга эркингни бермагил кўпроқ,
Армонлар бўйнингга солмасин қилич.

МЕНГА ОППОҚ ХОТИРАЛАР БЕР

Менга оппоқ хотиралар бер,
Оқай ойнинг этакларида.
Тунаб қолай кейин беозор,
Капалакнинг эртакларида.
Шовуллаган ойнинг нурларин,
Ичиб ётар бағри қон гуллар.
Саболарга илтижоларин
Пуркаб ёнар намозшом гуллар.
Кел, кўнглингиз оҳиста босай,
Юрагимнинг дудоқларига
Кўзларингда яшириниб яшай,
Чидолмайман фироқларига!
Менга оппоқ хотиралар бер...

СЕН КЕТАСАН

Сен кетасан қайтмасдай бўлиб,
Нураб кетар кўксимда торлар.
Юрагимда йиғлайди қақраб
Кузга етмай сарғайган боғлар...

Теракларнинг учига қўниб,
Менинг каби қадди дол Ҳилол,
Кетолмайман сендай кўникиб,
Мен унута олишим маҳол.

Бир кўрсатиб, қайтариб олган,
Тангри берган ойдин армоним.
Мен девона бўлиблар қолган,
Ўзинг билан кетган бу жоним.

Сен кетасан қайтмасдай бўлиб...

МУНДАРИЖА

Кўринг 3
Йиғламадим 3
Охирги қўнғироқ 4
Яхлаган кўнглимда кўз оч, бойчечак 4
Онамни олдириб қўйдим, лолажон 5
Кетдим 6
Кўнглингда ўзга қиз 6
Осмон, олиб кетма онамни 7
Сиз кетинг 8
Руҳимга райҳонлар 8
Билмайман 9
Мезон шамоллари эсдими, она 9
Сени ўйлаб 10
Агар жоним 10
Сиз билмайсиз 11
«Бағрингдан бош олиб кеттан кун...» 11
«Тунлардан тиладим нигоҳларингни...» 12
Кечдим 12
Жуманбулбул танбурини менга беринг 13
Мендан кет 14
Ватан 14
Мен сизни 15
Сени сўрайверди 15
Онажонимга 16
Чавандозлар ўтса оламдан 17
Ёриб чиқадирман юракни бир кун 18
«Жонимни ёқади...» 18
Сизни эслаб 19
Баҳор, менга мунғайиб келдинг 20

Қишлоқдошларимга 20
Мен минг йил яшадим 21
«Адашиб кетаман туманларингда...» 22
«Ай дили нозигим...» 23
Онамга 24
Найнинг ноласи 24
Мезон каби учади оҳлар 25
Самарқанднинг жин кўчалари 25
Соғинч 26
«Осмонсиз, уммонсиз...» 26
«Ой қалбимда қалқиб оқ...» 27
Марварид мунчоғим 27
Мени тушун 28
Латиф қучоғида 28
Кел, кўнглим 29
Қуясизми ё қуймайсизми 30
Кел, ўт қўй 31
«Кирганимда кўпнинг ичига...» 32
Капалакман 33
Осмонлардан онам келади 34
Ҳижрон 35
Менга оппоқ хотиралар бер 35
Сен кетасан 36

Адабий-бадиий нашр

ЗОҲИДА УМАРОВА

МАРВАРИД МУНЧОҚИМ

шеърлар

Муҳаррир Дилрабо МИНГБОЕВА
Зебо МИРЗАЕВА
Бадиий муҳаррир Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО
Мусаҳҳиҳ Наргиза МИНАҲМЕДОВА
Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Муқовада Ўзбекистон Халқ рассоми Акмал Нур асаридан фойдаланилди

ИБ № 4090

Босишга 20.10.2005й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма табоғи 1,25. Шартли босма табоғи 2,10.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 215.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.